

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 22 yilligiga



Мамлакатимизда Конституциямиз қабул қилинганлигининг 22 йиллиги кенг нишонланмоқда. Зотан, Истиқлолнинг энг буюк ютуқларидан бири — юртимизда тарихан қисқа муддатда миллий давлатчилигимиз ҳуқуқий пойдевори яратилгани билан бугун ҳар қанча фахрлансак, арзийди.



Тараққиётимизнинг мустақкам ҳуқуқий асоси

Шоюнус ГАЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 22 йилдирки, мамлакатимиз тараққиёти йўлида мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг билан суд-ҳуқуқ соҳаси ислохотлари нисолида ҳам кўриш мумкин.

Асосий Қонунимизнинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, сиёсий партия ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритиши белгиланган бўлиб, бу амалиётда одил судловни холис ва юқори савияда амалга ошириш имконини бермоқда. Унинг 112-моддасида "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади", дея белгилаб қўйилгани ҳам одил судловнинг фақат қонунга таянган ҳолда олиб борилишини таъминлашга қаратилгандир. Шунингдек, унда ҳар бир

шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланган бўлиб, ушбу норма суд ишларини юритишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, миллий қонунчиликни халқаро нормаларга мослаштиришни тақозо этарди. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ соҳанинг қонунчилигини яратишга жиддий киришилди. Шу мақсадда 1993 йилда "Судлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ ВА САЛОҲИЯТИ

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши, аввало, Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустақкам асосга эга эканини яққол намойиш этади.

Миллий давлатчилигимизнинг энг муҳим қадриятларини белгилаб берадиган Бош Қомусимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий ҳуқуқий тамойиллари ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиб, улар орасида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши ҳал қилувчи қоида сифатида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритади. Суд ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми Конституциямизнинг XXII бобида белгилаб берилган.

Айтиш кераки, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустақкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат.


Айнан шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислохотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

(Давоми тўртинчи бетда)



Ўзбекистон Конституцияси — юрт фаровонлигининг ҳуқуқий асоси

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 22 йиллик байрами кенг нишонланаётган шу кунларда дунёнинг турли минтақаларидан юртимизга келган сайёҳлар мамлакатимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаёт, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига ҳавас қилмоқда. Бу Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва фаровон турмушимизнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётган Конституциямиз халқчилиги самарасидир. ЎзА муҳбирлари хорижликларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди.



Атуп Кумар (Хиндистон):

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни мунтазам кузатиб бораман. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратилган.

(Давоми учинчи бетда)

Бош Қомусимизнинг 41-моддасида белгиланганидек: "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир". Мустақиллик йилларида ушбу конституциявий қондан амалга кенг татбиқ этиш борасида "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастури қабул қилинди ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ёш авлод таълим-тарбиясининг ҳуқуқий қафолати

Айниқса, дунёда "Ўзбек модели" деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўз вақтида қабул қилиниши янги ҳаёт, янги жамият қуришда энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки халқимизнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Ҳақиқатан ҳам, Асосий Қонунимиз ва таълим соҳасидаги ноёб дастурларнинг ижроси доирасида ўтган даврда юртимизда қанча-қанча янги таълим



стандартлари, ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликлар ишлаб чиқилди. Минглаб замонавий ўқув

масканлари, болалар спортини иншоотлари барпо этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этишда сиёсий партияларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки сиёсий партиялар ҳар бир ҳуқуқий демократик жамиятда фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этиш, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этишини таъминлашда ҳал қилувчи вазифа сифатида намойиш бўлади.

Jarayon

Демократик сайловларни ўтказишда сиёсий партияларнинг ўрни

Ўзбекистон замонавий, ривожланган, илгор демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантириш ва мустақкамлаш, партиялараро рақобат муҳитини шакллантириш каби муҳим вазифаларни

ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг кенг кўламада ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустақкам қонунчилик базаси яратилди.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar


Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Президентимиз Ислам Каримовнинг бевосита раҳбарлигида бундан 22 йил муқаддам ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети рояларига содиқлигини ифода этиб, миллий давлатчилигимизни ривож, демократия ва ижтимоий адолат, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига асосланган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишининг мустақкам ва аниқ йўлини белгилаб берди.

(Давоми учинчи бетда)

Etirof

Ёш авлод таълим-тарбиясининг ҳуқуқий кафолати



(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича ниҳоятда кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб кадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган самарали тизим амалда татбиқ этилаётгани ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан бундан 18 йил муқаддам мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийлар кўни таъсис этилгани ва уни умумхалқ байрами даражасида нишонлаш эзгу аъёнага айланганини ғурур ва ифтихор билан қайд этиш лозим. Зотан, бу — фарзандларимизни камол топтириш, уларга таълим-тарбия бериш, илмуфан сирларини ўргатишдек гоят масъулиятли ишни адо этиб келаятган инсонларнинг олижаноб меҳнатига юксак эҳтиром ҳамда эътироф намунаси.

Яқинда Халқ таълими вазирлиги томонидан Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида, бошланғич синф ўқитувчилари учун 7 номдаги ўқув-услувий қўлланмалар ва уларнинг мультимедиа иловалари янгидан яратилди, жойларга етказилди. Мазкур қўлланмалар замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятига жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилган. Қўлланмалардаги мультимедиа ишланмалари ўқитишнинг ўйинли шакллари ва медиа технологиялардан фойдаланиш имконини беради.

Мен ҳам 1-синф ўқувчиларига дарс берувчи педагог сифатида "Савадга ўргатиш" (Алифбе), "Она тили", "Ўқиш", "Математика", "Атрофимиздаги олам" номли ўқув қўлланмалари ва уларга яратилган мультимедиа иловаларга эга бўлдим. Мазкур қўлланмалар эндиликда мен каби барча бошланғич синф ўқитувчилари дарс жараёнида ўқитишнинг ўйинли шакллари ва илгор технологияларини қўллаш имконини бермоқда. Ушбу материаллардан

янги мавзунини тушунириш, мустаҳкамлаш ва такрорлаш жараёнида унумли фойдаланмоқдамиз.

Албатта, бу каби ютуқларнинг барчаси Истиклол шарофатидандир. Буни ҳеч шубҳасиз, мустақиллигимизнинг илк йилларида қабул қилинган Бош Қомусимизнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани билан изоҳлаш мумкин. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши асосида Конституциямизда белгиланган тушунча ва тамойиллар мамлакатимиздаги мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, барча ўқув масканларида кенг ўрганилаётгани айни мудаодир. Жумладан, бугунги кунда мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида Конституция алоҳида фан сифатида ўтилмоқда. Ушбу фан 1-4 синфларда "Конституция сабоқлари"нинг узвий давоми сифатида "Конституция алифбоси" ўқув курси фанлар таркибига сингдирилган. Албатта, бу фанни ўтишда ўқувчиларнинг ёши, дунёқараши, психофизик хусусиятларини инобатга оламиз. Шу билан бирга, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитишнинг самарали усуллари кенг фойдаланмоқдмиз. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, Бош қомусимизнинг ҳаётбахш аҳамиятини ёш авлод онгига чуқур сингдиришга хизмат қилаётган.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз таълим-тарбия соҳасида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган узоқ муддатли дастурлар Асосий Қонунида ўз ифодасини топган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш концепциясининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Раҳима КАРАЕВА,
Тошкент шаҳридаги 307-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Мазкур Қонун одил судловни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиш билан бирга, суд мустақиллигини таъминлашга ҳам замин ҳозирлади. Унга 2000 йилда киритилган ўзгариш ва қўшимчалар хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Мазкур ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилди, яъни ҳужалик, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу эса судларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти янада самарали бўлишига хизмат қилмоқда.

Асосий Қонунимизда белгилаб берилган тамойиллар негизда жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган апелляция институтини ҳам жамият ҳаётида катта воқеа бўлиши баробарида, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим омилга айланган. Бугун фуқароларимиз биринчи инстанция суди қароридан норози бўлган тақдирда, ҳуқуқ ва манфаатини апелляция ҳамда кассация инстанциясида ўз адвокатлари иштирокида ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция суди қарорига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилди. Жорий этилган ушбу янгиларнинг биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш ва суд фаолиятида сансалорликка йўл қўйилмаслигининг кафолатига айналди. Буни рақамлар ҳам тасдиқлайди. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибиде тузатилган бўлса, 2014 йил 9 ой якунларига кўра, бундай хатоларнинг 89 фоиздан ортиги апелляция ва кассация тартибиде бартараф қилинди.

Конституциямиз асосида "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам суд-ҳуқуқ ислохотларида муҳим аҳамият касб этди. Зеро, мазкур Қонун билан жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Аёллар ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо турининг энг кўп муддати муайян жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисминдан ортиқ бўлмаслиги белгиланди. Қолаверса, жиноят қонунчилигининг мол-мулкни мусодара қилиш тартиби чиқарилди. Бу жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, мазкур янгилар хусусий мулк дахлсизлиги тўғрисидаги конституциявий қоидага тўлиқ мос келиши билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Шу ва бошқа конституциявий қоидалардан ҳам кўриш мумкинки, Асосий Қонунимизда инсонпарварлик тамойили етакчилик қилади. Ана шу тамойил негизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятида инсонпарварлик устувор эканлиги ҳам бунинг яққол далилидир. Хусусан, 2008 йилнинг январидан юртимизда ўлим жазоси бекор қилинишини нафақат юртдошларимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам ниҳоятда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга воқеа сифатида қаршилади. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди. Айни чоғда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг суд қарорисиз чеклаб қўйилмаслигини таъминловчи ҳуқуқий механизм

яратилди. Ушбу механизм фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар жиҳатдан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Конституциямиздаги инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, суд амалиётига ярашув институти жорий этилиши мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар изчиллик билан амалга оширилаётганидан далолатдир. Бу янгилар миллий урф-одат ва умуминсоний кадриятларга мослиги билан эътиборга молик. Унга кўра, ижтимоий ҳаффи катта бўл-

бир поғона кўтарди. Унда судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузурдаги Юристар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий ҳужалик судида тайёрларлик ва стажировка ўташи ҳамда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги пайтда шу йўналишларда ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Энг муҳими, бундай саъй-ҳаракатлар ўзининг қўйилган натижаларини бермоқда.

рур эди. Шундан келиб чиқиб, икки палатали парламентни шакллантирувчи қоидалар Конституциямизга киритилди. Ушбу ўзгаришлар Олий Мажлиснинг икки палатали бўлишини, яъни доимий ишловчи ва профессионал Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатда тенг ҳудудий вакиллик бўлишини таъминлади.


Концепция асосида Конституциямиз мазмунан янада бойитилди. Бу ўзгаришлар Президент мактабига, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир ваколатларини ва масъулиятини кучайтиришга, ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик (қонунчилик) ҳокимиятининг назорат функциясини кучайтиришга қаратилди.

Конституциямизнинг 98-моддасига ҳам жиддий ўзгаришлар киритилди. Унга асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар изчиллик билан давом эттирилиб, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишда судларнинг роли янада оширилди. Масалан, 2012 йилда "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қучга кириши бу борада ўта муҳим қадам бўлди. Аниқроқ айтганда, ушбу Қонун билан лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тартибидеги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш, жиноят ишлари кўзатиш ҳуқуқини судлар ваколатидан чиқариш ҳамда судда жиноят иши кўрилатганда айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурорга юклаш каби муҳим масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 22 yilligiga

Тараққиётимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси



маган жиноий қилмишни содир қилган шахс жабрланувчига етказган зарарни қоплаган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайдиган бўлди. Эътиборлиси, мазкур институт қўла-қўлга олиниши билан 159 миң нафардан зиёд киши жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тизим ислохотларида янги даврни бошлаб берди. Зеро, мазкур Концепция асосида ишлаб чиқилган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун бу борада муҳим аҳамиятга эга. Негаки, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган шу ҳужжат билан "Прокуратура тўғрисида", "Судлар тўғрисида"ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳужалик процессуал кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Булар, ўз навбатида, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институти қўлланиш амалиётини бугунги кун талабларига мос даражада кенгайтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳада рўёбга чиқарилаётган ислохотларни яна

Шу ўринда ўтган йиллар давомида замон талабларидан келиб чиқиб, Асосий Қонунимизга бир неча марта ўзгаришлар киритилганлигини ҳамда бугунги кунда бу ўзини тўла оқлаб келаятганлигини мамнуният билан айтиш зарур. Бундай янгилар сирасига профессионал, доимий асосда ишловчи парламентга бўлган эътиб, қонунлар сифатини ошириш, ҳокимият бўлиниш принципини ривожлантириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик ҳокимияти назоратини кучайтириш, ҳукумат масъулиятини ошириш мақсадида парламент, Президент, ҳукумат фаолиятига ҳамда сайлов тизимига тааллуқли ўзгаришларни киритиш мумкин.

Мазкур ўзгаришларнинг барчаси долзарб бўлиб, уларнинг айримлари хусусида тўхталмоқчимиз. Маълумки, юртимиз мустақилликка эришгач, унинг олдида мураккаб вазифалар пайдо бўлди. Шулардан бири ҳокимиятни самарали ташкил этиш, бунинг учун ҳокимият органлари тизимини вужудга келтириш, жамият ва давлат фаолиятига тааллуқли масалаларни тартибга солувчи қонунчилик тизимини яратишни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйди. Буни амалга ошириш учун мамлакатимизда дастлаб бир палатали парламент ташкил этилди. Унда депутатлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда фаолият олиб боришди. Улар ушбу даврда парламент мактабини ўтади, профессионал фаолият учун кўника ҳосил қилишди. Энди эса қонунлар сифатига кўпроқ эътибор бериш, парламентнинг доимий фаолият иритиши ва унда доимий вакиллик мутаносиб бўлиши за-

Конституциянинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга экани белгиланб қўйилган. Ушбу конституциявий тамойилнинг амалдаги ифодасини судларда оғир ва ўта оғир жиноят ишларини кўриб чиқиш чоғида халқ маслаҳатчилари иштироки тўлиқ таъминланаётгани мисолида кўриш мумкин. Бугунги кунда жиноят ишлари бўйича судларда оғир ва ўта оғир жиноят ишлари кўришда икки нафар халқ маслаҳатчиси иштирок этаётгани ишни холис ҳал қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли муҳофаза этишга хизмат қилмоқда. Жорий йил апрель-май ойларида республика халқ маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловы ўтказилди. Унда сайланган 15744 нафар халқ маслаҳатчиси ҳозир судлов жараёнида самарали фаолият олиб бормоқда.

Умуман, суд-ҳуқуқ соҳасида конституциявий талаблар асосида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланмоқда. Зеро, Асосий Қонунимиз тузилишида шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу орзу-ўйларини рўёбга чиқариш ҳамда инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этиш мақсадлари мужассам.

(«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 3 декабрь сонидан олинди)

Авалло шунга айтиш жоизки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд тартибиде ҳимоя қилиш, фуқаровий низоларни адолатли ҳал этиш, бир сўз билан айтганда, одил судловни амалга ошириш қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, фуқаровий низоларни қонуний ҳал этиш, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларни тиклаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар муайян ҳаражатларни талаб этади.

Шу боисдан ҳам, қонунда бундай ҳаражатларнинг муайян қисми давлат божи ва суд ҳаражатлари шаклида даввогар ёхуд жавобгардан, аниқроғи, низода ноҳақ бўлган тарафдан ундирилиши белгилаб қўйилган. Айтиш керакки, давлат божини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Солиқ кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат божи ставкалари тўғрисида"ги ва "Хорижий валюталардаги давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида"ги

қарорлари билан тартибга солинади. Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги "Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаражатларини ундириш амалиёти тўғрисида"ги қарори судлар томонидан бу борада қонун талабларини тўғри қўлланилишини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Айтиш керакки, фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаражатлари давлат божи ва ишчи кўриш билан боғлиқ қишлоқлардан иборат. Давлат божи деганда, юридик аҳамиятга молик ҳаракат-

даво боҳоси чет эл валютасида кўрсатилган даво аризаси берилганда, давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ставка билан ва тартибда чет эл валютасида ундирилади.

Аризачининг талаби мулк хусусиятга эга бўлган ҳолларда давлат божи миқдори даввогар томонидан кўрсатиладиган даво боҳосидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва судья томонидан Фуқаролик процессуал кодексининг 105-106-моддаларига мувофиқ текширилади.

Бир вақтнинг ўзида мулк ва номулкий характерга эга бўлган мустақил талаблардан иборат бўлган даво аризаларидан давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида белгиланган тегишли ставкалар бўйича ундирилади.

Давво аризаси бир неча даввогар томонидан биргалликда бир ёки бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда давлат божи давонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади ва даввогарлар томонидан улар кўйган талаблар улушига мутаносиб тарзда тўланади.

Mezon

Суд

Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳияти



(Давоми. Бошланғич биринчи бетда)

Ана шундай ёндашув туфайли бу борадаги ишларнинг кўлами, миқдори ва самардорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилганини кўп мисолларда кўриш мумкин.

Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида амалга оширилган туб ислохотлар мамлакатимизнинг демократик кадрлар тарафдори эканининг ёрқин ифодасидир. Суд ҳокимияти мустақиллиги таъминланди, судлар ихтисослаштирилди, кассака институтини ислохот қилинди, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби, ярашув институтини жорий этилди, суд амалиётининг барча босқичларида томонлар тенглиги кафолатланди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида суднинг мустақиллиги ва ҳолислигини таъминлаш механизминини ривожлантириш бўйича аниқ қонунчилик чора-тадбирлари белгиланган.

Жумладан, "Хабас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш, суд жараёнида тортишувни кучайтириш, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир вазифалар изчиллик билан бажарилмоқда.

Айтиш керакки, истиқлол шарофати билан баркамол авлод орзуси халқимиз учун энг эзгу мақсадга айланган. Бугун барча эзгу ишларимиз бошида эл-юрт келажакга бевосита дахлдор ана шу масала турибди. Маънавий бой, ахлоқан етуқ, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш истиқлол сиёсатининг узвий қисми ҳисобланади.

Болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний ман-

фаатларини муҳофаза қилиш, оилада соғлом фарзанд дунёга келиши ва камолга етишини таъминлаш, навқирон авлоднинг ҳар томонлама етуқ ва баркамол этиб вояга етказиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ислохотларнинг устувор йўналишини ташкил этади. Зотан, ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашни, уларнинг бахт-саодати, ёруқ келажакни кўришни ният қиламиз.

"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонунга кўра, мамлакатимизда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган давр ёшлик даври ҳисобланади. Шу жihatдан, агар Ўзбекистонда бугун яшайётган 31 миллион аҳолининг 60 фоизидан ортисини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу ислохотларнинг зарурати ва роли ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

Энг асосийси, Конституциямизда бола ҳуқуқлари ҳар томонлама кафолатлаб қўйилган. Асосий Қонунимизнинг 45-моддасида белгиланганидек, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кекаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Ҳеч шубҳасиз, вақт ўтиши билан аҳамияти тобора ёрқин намоён бўлаётган, дунёда катта қизиқиш уйғотган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастури мамлакатимизнинг катта суъратлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам пойдевор яратиб берди.

Мамлакатимизда қабул қилинган миллий дастурга кўра, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.

Бу моделнинг принципиал

хусусияти, авваламбор, шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири, умумтаълим фанлари билан бирга, меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгаллайдилар.

Маълумки, 2013 йилдан эътиборан мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш дастури доирасида умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб, хорижий тилларни ўрганиш йўлга қўйилди. Бу эса, албатта, фарзандларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларини эгаллаши, етуқ ва малакали кадрлар бўлиб етиштирилиш учун янги имкониятлар очиб бериши билан, айниқса, муҳимдир.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрловчи, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган баркамол авлодни вояга етказишга доир устувор вазифа ва тамойилларни ўзида мужассам этгани билан алоҳида аҳамиятга моликдир.

Шу ўринда ҳозирги кунда Ўзбекистонда вояга етмаган болаларнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг стандартларига тўла мос келишини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи йилдан-

йилга ошаётгани барчамизга гуруҳ ва ифтихор бағишлайди.

Ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган изчил чора-тадбирлар натижа-сида юртимизда болалар ўлими кескин камайди, юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинмоқда. "Она-бола" скрининг давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳаётга татбиқ этилиши туфайли ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,8 марта камайди.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий соҳада эришилаётган бундай ютуқлар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид миллий модели тараққий этган мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилгани бунинг яққол далилидир.

Буларнинг барчаси соғлом ондан соғлом бола, соғлом эзруй деб дунёга келади, ҳақон эзгу тамойилнинг амалдаги ифодасидир. Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларини соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртининг фарзандлари соғлом бўлур.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Бинобарин, Конституция бу истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзида. Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки юксак гуруҳ-иштихор, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоядир.

Аброр МУСАЕВ,
Олий суд Ҳарбий ҳайъати катта инспектори
Бобомурод РАЙИМОВ



Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Мен давлат пенсиясини олишга ҳужжатларимни тақдим этмоқчиман. Яқинда фамилиямни ўзгартиришга тўғри келди. Айтинг-чи, бу борада ҳам бирор-бир ҳужжат тақдим қиламанми?

Э.ҚОРАЕВ,
Иштихон тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарорига 1-илова бўлган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 21-бандига мувофиқ, фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилганлигини тас-

диқлайдиган ҳужжатлар сифатида қуйидагилар тақдим этилади: никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома, фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилганлиги тўғрисидаги маълумотнома, никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, фуқаролик ҳолати далолатномасининг тегишли ёзувдан кўчирма.

Айтинг-чи, қонунда пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар қанча вақт мобайнида кўриб чиқиши белгиланган?

У.КОМИЛОВ,
Хоразм вилояти, Урганч шаҳри

— Амалдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 45-моддасига мувофиқ пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар улар тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилганидан кейин беш кун ичида корхона, ташкилот ёки аризачига пенсия тайинлаш рад этилгани ҳақида рад этиш сабаблари ва шикоят бериш тартиби кўрсатилган хабарномани беради ёки жўнатади ҳамда айни чоғда бора ҳужжатларни қайтаради.

Қизимнинг вафотидан сўнг икки нафар неварам менинг қарамоғимда қолди. Айтинг-чи, мен набираларимнинг таъминоти учун қудамдан алимент ундиришим мумкинми?

М.ЖАВЛОНОВА,
Тошкент шаҳри

— Албатта. Оила кодексининг 123-моддасида бобо ва бувининг ўз набираларига таъминот бериш мажбурияти белгиланган бўлиб, унга кўра, ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган набираларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган бобо ва буви зимма-

сига юклатилади. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож набираларнинг отаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етмаган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан ҳам бу мажбурият бобо ва бувининг зиммасига юклатилиши мумкин.

Исминини ўзгартирмоқчиман. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Ф.АКБАРОВ,
Ғазалкент тумани

— Маълумки, Оила кодексининг 226-моддасида фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш тартиби кўрсатилган бўлиб, унга кўра, ариза берувчи ўн олти ёшга тўлгандан кейин у яшаб турган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан кўриб чиқилади. Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги ҳулоса ички ишлар органлари томонидан ушбу шахс тегишли ўзча текширувдан ўтказилгандан

кейингина тузилиши мумкин. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириши рад этганлиги устидан суд тартибиде шикоят қилиниши мумкин. Шунингдек, Оила кодексининг 227-моддасига мувофиқ, фамилия, исм ва ота исми ўзгартирилганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтларлари ёзувларига тегишли ўзгартишлар киритади.

Айтинг-чи, ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга қиратган шахслар қандай ҳужжатлар топширади?

К.АСЛИДИНОВ,
Қарши шаҳри

— Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги "Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида"ги 297-сонли қарорининг 6 бандига мувофиқ, ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга қиратган шахслар:

спаспортни ёхуд унинг ўрнини босадиган ҳужжати; меҳнат дафтarchасини ўрнига асосий иш жойидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича маълумотнома тақдим этиши шарт. Ўриндошлик асосида ишлаш учун иш бевурачининг, асосий иш жойидан касаба уюшма-

нинг паспортни ёхуд унинг ўрнини босадиган ҳужжати; меҳнат дафтarchасини ўрнига асосий иш жойидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича маълумотнома тақдим этиши шарт. Ўриндошлик асосида ишлаш учун иш бевурачининг, асосий иш жойидан касаба уюшма-

нинг паспортни ёхуд унинг ўрнини босадиган ҳужжати; меҳнат дафтarchасини ўрнига асосий иш жойидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича маълумотнома тақдим этиши шарт. Ўриндошлик асосида ишлаш учун иш бевурачининг, асосий иш жойидан касаба уюшма-

Саволларга Олий суд катта консултанти
Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди

Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ҳамда профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққийнинг энг муҳим шарти ва гарови бўла олиши, айнан шундай баркамол авлод мамлакатининг буюк келажакни таъминлаши мумкин. Шу маънода, ёшлар масаласи мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ҳақиқатан ҳам, ёшларнинг билим олиши ва ҳар томонлама етуқ кадрлар бўлиб вояга етиши учун юртимизда барча зарур шарт-шароит яратиб берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини тест синовлари асосида топшириш жорий қилинган, ўқувчи ёшларнинг мактабда олган билим даражаси, кўникма ва малакалари янада яққол намоён бўлмоқда. Ҳар йили 1 августда ўз билимига ишонган, эркин фикрга эга, изланувчан, тиршқоқ, замонавий билимларни эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган йигит-қизлар олий

Sabog

Панд берган фириб

мўмай даромад орттирмоқчи бўлган кимсаларнинг тузоғига тушиб, оқибатда қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

Судланувчи О.Ҳамидов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ана шундай "уддабурон"лардан бири. У 2013-2014 ўқув йилида Наманган муҳандислик-технология институтига ўқишга кириш учун ҳужжат топширган Х.Омонов ва М.Мусаевни айнан "ўқишга киритиб қўяман", деб ўз тузоғига туширган.

Сўнг уларнинг фуқаролик паспортларини олиб, ўзaro жиноий тил бириктирган ҳолда, мазкур расмий ҳужжатларга ўзининг жиноий шериклари Э.Тожиёв ва вояга етмаган А.Илҳомовнинг фотосуратини ёпиштирган.

Иккала ўқувчининг абуриентлик рухсатномаси ҳамда фуқаролик паспортлари текширилганда, сохталлиги

ҳам қалбақлаштирилган. Шу тариқа, мазкур расмий ҳужжатларнинг ҳуқуқий мақомини ўзгартирган.

Шундан кейин О.Ҳамидов ушбу ҳужжатларнинг қалбаки эканини била туриб, норматив ҳужжатларда ўрнатилган талабларни қасддан бузган ҳолда, олий ўқув юртига кириш имтиҳонини топшириш учун М.Мусаевнинг ўрнига Э.Тожиёвни, Х.Омоновнинг ўрнига эса А.Илҳомовни тест синовлари ўтказиладиган аудиторияга киритиб юборади.

Аммо О.Ҳамидовнинг "уддабурон"лиги бу ёғига иш бермайди. Яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан жиноятчилар қўлга олинади.

Э.Тожиёв ва А.Илҳомовнинг қўлларидеги абуриент рухсатномаси ҳамда фуқаролик паспортлари текширилганда, сохталлиги

аниқланди.

Шундай қилиб, жиноий шерикларнинг қилмиши фож этилди. О.Ҳамидов Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисми "в" банди, 228-моддаси 2-қисми "б" банди ва 228-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жаноиятларни содир этганликда айбдор деб топилди.

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди О.Ҳамидов ва унинг жиноий шерикларига тегишли тартибда жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, юртимизда илм олиб, муайян касб эгаси бўлиш учун зарурий шарт-шароитлар яратилган. Улардан тўғри ва оқилона фойдаланиш кишига чинакам бахт келтиради. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Самаджон КОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг судьяси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2161-6129

9772161612906

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Кўчкор ТОҒАЕВ

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод
ҲАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Нашр индекси: Яқка тартибда: 574, ташкилотлар учун: 575.

Буюртма: Г-1222. Қўғоз Бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотивда эркин нарҳда. Адади: 6756.

1 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰